

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2018  
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

---

<b>З.ПАРДАЕВА</b>	
Роман жанрининг культурологик қиёфаси .....	63
<b>С.ҚУРОНОВ</b>	
Исажон Султон романларида олам ва одам концепцияси.....	66
<b>Ф.ДАДАБАЕВА</b>	
Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида портрет ва сифатлашлар таржимаси.....	69
<b>М.ЖУРАЕВА</b>	
Кундош образининг замонавий талқини.....	72

## ТИЛШУНОСЛИК

---

<b>А.МАМАЖОНОВ, Д.ТЕШАБОЕВ</b>	
Қўшма гаплар семантикасига доир баъзи мулоҳазалар .....	76
<b>Д.ТУРДАЛИЕВА</b>	
Лисоний имконият ва бадий санъат .....	79
<b>Н.АБДУЛЛАЕВА</b>	
Синтактик градуонимия.....	84

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

---

<b>А.ХОЖИМИРЗАЕВ</b>	
Мактабгача таълим муассасаларида асосий гимнастика воситаларининг ўрни .....	87
<b>Р.ДЖАЛИЛОВА</b>	
Ўрта Осиё меъморчилигида наққошлик санъатининг тарихий ва замонавий моҳияти.....	92

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

---

<b>К.ҚОДИРОВ, Т.БАКИРОВ, Ҳ.ҚОДИРОВА</b>	
Математик фанларни ўқитишда улар орасидаги узвийликни очиб бериш ҳамда ўзаро алоқадорликдан фойдаланиш.....	95
<b>Л.РАХИМОВА</b>	
Ядросида Бессель функцияси қатнашган ўрамсиз операторлар ва уларнинг хоссалари .....	99
<b>М.РАХИМОВ, Ф.ТУХТАСИНОВ</b>	
Жадал технология шароитида четдан келтирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боқув технологиясининг таъсири .....	101
<b>А.ЭРМАТОВ</b>	
Корхона захира (резерв) капиталининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш .....	103
<b>Л.БЕГИМҚУЛОВА</b>	
Шоҳруҳ Мирзонинг давлатчилик фаолиятига оид айрим мулоҳазалар.....	106
<b>М. УСМАНОВА</b>	
Нутқ фаолиятининг хусусиятлари ва ривожланиши .....	108
<b>Ҳ.ЖУРАЕВ, И.АБДУРАҲИМОВА</b>	
Бобур лирикасида ифоданинг маъно қатламлари .....	111
<b>Н.ТОШЕВА</b>	
Халқ топишмоқлари эпиграф сифатида.....	113
<b>Г.РОЗИҚОВА</b>	
Ноодатий боғланиш – услубий восита сифатида.....	116
<b>З.АКБАРОВА, Ш.АНВАРХУЖАЕВА</b>	
Нутқ маданияти масалаларининг ўрганилишига доир.....	118
<b>Ш.АСКАРОВА</b>	
Немис тили дарсларида лексикани ўргатиш методлари.....	120
<b>М. КАРИМОВА, И.МЕРГАНОВ</b>	
Ўрта асрлардаги педагогик фикрларнинг маънавий моҳияти.....	123

## АДАБИЙ ТАҚВИМ

---

<b>Илмга бахшида умр.....</b>	126
-------------------------------	-----

УДК: 745/749+729.4

## ЎРТА ОСИЁ МЕЪМОРЧИЛИГИДА НАҚҚОШЛИК САНЪАТИНИНГ ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ МОҲИЯТИ

Р.Джалилова

### Аннотация

Мақолада Ўрта Осиё наққошлик санъати тарихи ҳақида маълумотлар берилган. Икки минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек амалий санъати намуналари ҳозирда ҳам кишиларни ҳайратга солмоқда.

### Аннотация

В статье представлена информация об истории орнаментального искусства Средней Азии. Образцы прикладного искусства узбекского народа, имеющее двухтысячелетнюю историю, и сегодня вызывают всеобщее восхищение.

### Annotation

The article provides information on the history of Central Asian ornamental art. The samples of the applied art of the Uzbek people which has two millennia-old history, are still amazed.

**Таянч сўз ва иборалар:** наққош, санъат, тарих, грих, кундал, Шоҳи-Зинда

**Ключевые слова и выражения:** резчик, искусство, история, грих, кундал, Шахи-Зинда

**Keywords and expressions:** master- carver, art, history, grih, kundal, Shokhi-Zinda.

Бугунги кунда маънавиятимизни ҳар томонлама юксалтиришни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, уни шакллантирадиган ва таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилган ҳолда ижтимоий ҳаётимиздаги ўринини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади [1.29-30].

Тарихга назар ташласак, Ўрта Осиё меъморчилик бадиий безак санъати қадимдан дунёга машҳур бўлганини кўраемиз. Ўтмишда ота-боболаримиз қурган муҳташам бинолар ҳозиргача мафтункор тасвирий жилосини йўқотмаган. Юксак дид билан ишланган ушбу нақшлар хали-ҳануз кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. Ўзбек миллий меъморчилик безаклари ғоятда бой мазмунга эгадир. Тасвирий халқ амалий санъат йўналишлари интерьер ва жиҳозлаш, кулолчилик, меъморчилик, маҳобатли манументал, меъморий ёдгорликларнинг безакларини қайта таъмирлашда қўлланмоқда ҳамда илмий-назарий ва амалий ўрганилиб келинмоқда. Санъат тарихи санъашунослик назарияси асосида таҳлил этилганда Ўзбекистон территориясидаги археологик қазилмалар мисолида тасаввур этишимиз мумкин. Ҳоразм, Суғд, Бақтрия ва бошқа вилоятларда нақш санъатининг ривожланганлиги манбалардан маълум,

олимларимиз Сурхондарё вилоятидаги Фаёттепа (1-аср), Далворзинтепа (1-аср) будда ибодатхоналари қазилмаларидан топилган расм-нақш қолдиқлари орқали илмий исботлаб берганлар. Хоразмдаги тупроққалъа залларидаги монументал суратлар ғоят безакдорлиги билан бизга маълум. VI-VII асрларда ибодатхоналар, қасрлар ва бойларнинг уйлари ўйма нақшлар ҳамда тасвирлар билан безатилган. Тантанали маросимларга мўлжалланган хоналардаги дабдабали ажойиб расмларни кўриб ҳайрон бўлади киши. Уларга қарасангиз, деворларда базми жамшид, ов расмлари ўринли манзаралар ҳамда диний расмлар тасвирланган. VII асрнинг охири - VIII асрнинг бошларида араб ёзуви ўзлаштирилди. Нақшлар билан бирга араб ёзуви ҳам безак, ҳам дуо ва суралар вазифасини бажарди. Амалий безак санъати наққошлик ҳисобига ривож топди. IX - X асрларда Ўрта Осиёда наққошлик санъати авж олиб ривожланди. Архитектурада гиштни нақшли безакда қўллаш юксак даражада ривожланди. Ўрта Осиё меъморчилигида, тектоника, эстетика комбинаторика, ёруғлик ва соя муаммолари кабилар билан боғлиқ меъморий композиция масаларларини очиш орқали Ўрта асрлар ёдгорликларининг бадиий ифодавийлиги сирларини тушуниш ва етакчи хусусиятларни англашга эришилди. “Унинг тадқиқотларида бино геометрияси ва вазифаси, шакли ва муҳити, тузилиши ва гумбаз ости тизими каби қисмлар ўзаро боғлиқликда очиб берилди, яъни меъморчилик иншоотининг барча қисмлари ягона организмни ташкил этади” дейди В.Л.Воронина. Меъморлар деворлар тектоникасини очиб бериш

Р.Джалилова – ФарДУ педагогика кафедраси катта ўқитувчи.

орқали ёруғлик ва соя ўйинига аҳамият бердилар [3.12]. Биноларнинг ички томони безагида ганч, ёғоч ўймакорлигини қўлланиш ривож топди. Мақбараларнинг пештоқлари девор ва равоқлар ганч-нақшлар билан жуда нафис безатилган. Тимсол, дуо-афсунлар, тасбиҳ ва бошқалар нақадар маҳорат билан ишланганлигини кўрамиз.

Рамзий нақшлар дунёда содир бўлаётган воқеалар, тилакларни акс эттирган. Ҳар бир чизилган нақшда ўзига хос маъно бўлган. Ўсимликсимон нақш - гулсафсарни олайлик: у осойишта ва умр боқийлик тимсоли. Печак ислимий нақш: бойлик ва фаровонликни, новда ва япроқлар эса тўкинчилик ҳамда баҳор чоғида уйғонишни билдиради. Мусавирнинг тасвирлари унинг она табиатига бўлган муҳаббатини ифодалайди. Нақш ўзбек маданиятининг ҳамма босқичларда ҳам ҳамроҳ бўлиб келган энг оддий принципларни бир - бирига муносабати, уйғунлик ва усуларнинг ажойиб қайта - қайта такрорланувидир. Наққошларининг ҳар бир деталига алоҳида эътибор бериши эса унинг табиийлиги сақлаб қолинган. Ҳар бир элемент устида пухта фикр юритилган, ҳар бир нақш негизда маълум рамзий маъно яширинган.

XI-XII асрларда Ўзбекистон, территориясидаги архелогик топилмалар шуни кўрсатадики, геометрик нақшлар кўп ишлатилган. Грих - форсча “тугун” деган маънони билдиради. Ҳаддисиий нақш тўртбурчак учбурчак ва бошқа элементлардан ташкил топган геометрик мураккаб нақш тури, Грих тўғри, эгри ва аралаш чизиқларга бўйсундирилган бўлиб, ўзига хос шартлиликка эга. Наққошлик турларини кенг тарқалиши безак санъатининг ривожланишига ҳам янгидан-янги имкониятлар яратиб берди. Меморчилик маданияти ўзининг бир неча минг йиллик бой моддий ва маънавий тарихига эга. Ушбу тарихига назар ташласак, кишилик жамиятининг турли ривожланиш босқичлари (эволюцияси) ўзига хос кўриниш берадики, унда ўша жамиятнинг иқтисодий аҳволи яққол намоён бўлади. Ўрта Осиё минтақасининг аксарият қисми кўпроқ қуруқликка тўғри келганлиги боис меъморчиликда асосий материал тупроқ ҳисобланган. Шунга кўра, бизнинг минтақамизда меъморчилик бинолари ҳам пишиқ ғиштдан қурилган.

IX-XII асрда, бутун Шарқда, жумладан, марказий Осиё минтақасида фан-маданият, айниқса, меъморчилик санъати гуллаб яшнади. Ўзбек маданиятини тараққиётида бутун дунёга машҳур олимлар Абу Али ибн Сино (Авиценна), Беруний, Фирдовсий ва Рудакийлар муҳим ўрин тутдилар. Ўша вақтда бутун дунёга машҳур ЮНЕСКО муҳофозасидаги Самонийлар

мақбараси қурилади. У 1127 йили меъмор арслон Муҳаммадхон бошчилигида пишиқ оддий ғиштни ҳар хил комбинациялаштириш асосида иншоат барпо эттирган. Кейинги ривожланиш босқичи дунё миқёсида юксак аҳамият касб этган ва хали-ҳануз ўз сир-асрори билан кўпчиликни ҳайратга солган Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврига тўғри келади. XIV-XVI асрларда Урта Осиё халқлари тарихда тараққий этган феодал ишлаб чиқаришга асосланган ўзига хос иқтисодий-маданий кўтаринкилик рўй берди. Бу даврни биз Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Камолиддин Беҳзодга ўхшаш жуда кўп истеъдодлар, адиблар, олимлар, мутафаккирлар, санъаткорлар номлари билан боғлиқ бўлган уйғониш (ренессанс) даври деб атаймиз. XIV-XV асрларда Самарқандда тез суръатлар билан турли-туман иншоатлар қурила бошлаган. Бу қурилишларда Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Кавказорти, Амир Темур ҳукмролигида бўлган барча ўлкалардан келтирилган меъморлар, ҳунармандлар, усталар, санъаткорларни кўриш мумкин.

Темурийлар хонлигида ҳунарманчилик комплекси, Ашратхона, Оқсарой, Кўҳна Ургенчдаги мақбаралар, Бибиҳоним, Регистон, Тиллоқори масжидда, Нодир Девонбеги мадрасаси ва Нодир Девонбеги хонақаси, Шердор мадрасаси мақбара ва масжидларни кўриб ўтишимиз мумкин.

Темурийлар хонлигида ҳунарманчилик юксак даражада ривожланди. Темур ҳукмронлигида жуда кўп бино, мачит, мадраса ва бошқалар қайта тикланди: тасвирий санъат қайтадан ривожланди. Деворий суратларда осмон, сайёралар, тоғлар, денгизлар, саҳролар, одамлар, ҳайвонлар ва бошқалар акс эттирилди. Ўша даврда тасвирий санъатнинг асосий вазифаси ҳукмдорнинг куч-қудратини, ҳарбий шавкатини улуғлашдан иборат эди. XV-XVI асрларга келиб меъморчиликда янги техник сифатлар вужудга келди, суратда рангли кошинлар(мазайка)дан кенг фойдалана бошланди. Кошин ва парчалардан ажойиб нақшлар ҳосил қилишга эришилди, Меморчилик ёдгорликлардан Самарқандаги Шоҳи-Зинда комплекси, Ашратхон оқ саройи, кўҳна Урганчдаги Тўрабекхоним мақбараси, Бибиҳоним, Регистон, Тилла қори масжиди, Нодир Девонбеги мадрасаси ва Нодир Девонбеги хонақаси, Шердор мадрасаси, кўплаб мақбара ва масжитларини кўриб ўтишимиз мумкин. Қундал архитектурада деворга бўртиб ишланган безак техникаси меъморчиликда кенг тарқалган. Мўйқалам билан деворга суртилган қизил лой бўртма шакл олади. Устидан бўёқ ва зархат берилади. Замин зархатга асосий бўртма нақш

элементлари турли-туман ранглар берилади. XV асрларда Ўртпа Осиёдаги Самарқанддаги расратхонаси, Бухородаги Амир Темур мақбарасида кундал техникаси кенг тарқалган. XVI-XVII асрларга келиб расмлар деярли чизилмай, балки кундал усулидаги расмлар ривожланди: Бухорода Хўжа Зайниддин хонақаси (XVI аср), баланд масжид (XVI аср), Абдулазизхон мадрасаси (XVI аср), Самарқанддаги Гинақори мадрасаси. XVI - XVIII асрларда ўзаро ички урушлар ва низолар маданиятнинг ривожланиши ўта салбий таъсир этди. Бухоро, Қўқон, Хива хонликлари вужудга келиши натижасида санъаткорлар бу шаҳарларга йиғила бошлади. Наққошлик санъати халқ амалий санъати каби гуллаб яшнади. Хивадаги Тош ҳовли, Бухорода Ситораи Моҳи - Хоса, Қўқон, Худоёрхон ўрдаси сингари йирик бинолар ажойиб нақшлар билан безатилди [5.177- 178].

Нақш санъатининг турлича ривожланиши ҳар бир шаҳарда ўзига яраша наққошлик мактабларини пайдо қилди. Улар Фарғона, Тошкент, Хоразм, Самарқанд ва бошқалар. Илмий адабиётларда ҳам Қўқонга хос Тошкент наққошлик санъати тамойилларига нисбатан олинган “Фарғона – Тошкент меъморлик мактаби”, “Фарғона - Тошкент меъморий нақшлар мактаби” атамалари вужудга келди [2.20].

XIX ва XX асрда турли жой бинолари маҳалла масжидлари, сарой девор сиртига дарахтлар, гулдасталар, гулдонли гулдасталар турли бўёқлар, жонли безатилганлиги билан ажралиб туради. Қувадаги Зайниддин бойнинг ўйи, Тошкентдаги князь Н.К. Романовлар саройи, А.А. Половце ва унинг уйи, Марғилондаги Саид Аҳмадхўжа каби тарихий ёдгорликларини асрашни давлатимиз ўз зиммасига олган. Республикамиздаги кўпгина маданият уйлари, санъат саройлари ва бошқа иншоотлар ёғоч нақш ва ганч билан бузатила бошлади. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи ажойиб нақш билан безатилди. Баҳор концерт залини, Муқимий, Навоий театри бинолари нақш, ганч ва ёғоч ўймакорликлари билан безадилар. Наққошлик санъатини

ривожлантиришда ажойиб халқ усталари фарғоналик Саидмаҳмуд Норқўзиев, тошкентлик Тўхтажўжаев Олимжон Қосимжонов, Ёқубжон Рауфов, Жалил Ҳақимов, Хивалик Абдулла Болтаев ва бошқалар ҳисса қўшдилар. Уларнинг шогирдлари яратган асарлар ҳозир ҳам халққа ҳизмат қиляпти. Улар ўзбек наққошларининг лойиҳаларига янгича ғоялар киритдилар: ўроқ ва болға пахта кабутар, пахта юлдуз ва бошқалар. Улар замонавий биноларга мослаб ўзбек миллий нақш элементлари бўлмиш мажмунтол ниҳоллари, анор, бутоғ гули, буталар ва бошқа ўсимликларни тасвирладилар [1.191-142].

А.Илҳомов Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройининг тантаналар ўтказиладигон зали, Пермь вилояти Чусовой шаҳридаги маданият саройи, Гулистон шаҳридаги драма театрини, Темурийлар тарихи Давлат музейи биноси гумбазини беаётганда ноанъанавий усулдан фойдаланиб, беш қисмга бўлиб, мураккаб композиция яратди. А.Илҳомов наққошлиқда кундал техникасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Устанинг Тоҳир Ҳусанов, Содиқ Ҳақимов, Рустамбек Шоёқубов каби шогирдлари бугунги кунда устозларидан наққошлик сирларини ўрганиб келмоқдалар [5.14]. XIX аср ўрталарида наққошлик санъати янада ўзгача янги услубларни қўллашда ҳамда деворларга манзарали манументал тасвирнинг яратишда Чингиз Аҳмаров Шарқ миниатюрасининг энг яхши намуналаридан, Ўрта Осиё халқларининг бадиий меросидан самарали фойдаланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, мустақиллик йилларида тарихий ва замонавий наққошлик санъати қайта тикланди. Меъморчиликда нақш ва деворларга манзарали манументал миниатюра композицияси қўллаш ривожланди. Тасвирий ва амалий санъатда турли янги нақш технологияларини қўллаган ҳолда уйлар, турли бинолар, маҳалла масжидлари, сарой деворларини турли бўёқлар ёрдамида жонли безатилиши уста рассомларимиз томонидан ривожлантирилмоқда.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юсак маънавият- энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Булатов С. Ўзбек халқ амалий санъати. – Т.: Меҳнат, 1991.
3. Азимов И. Роспись Узбекистана. – Т., 1987.
4. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. –Т.1. – Т.- Ўқитувчи , 1987.
5. Рафиқова Ҳ. Анъанавий наққошлик санъати алоқалари // “Санъат” журнали. -2007 йил, 2-сон..
6. Нурмухамедова Ш. Фанга бахшида умр // “Санъат” журнали. – 2010 йил, 4-сон.
7. Ғуломов К.Тошкент наққошлик мактаби ва унинг усталари // “Санъат” журнали. -2010 йил, 4-сон.
8. Абдуллаев Н.А. Санъат тарихи. – Т.: “Санъат” нашриёти, 2001.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева, педагогика фанлари доктори, профессор).